



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 235 (9881).

• 1990 йил 8 декабрь • шанба •

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда, Санъат саройида
Ўзбекистон Коммунистик партияси
XXII съездининг иккинчи босқичи
ўз ишини бошлади.



ТОШКЕНТ, 1990 йил 7 декабрь. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Узбекистана») ва Л. ГУСЕЙНОВ («Правда Востока») олган сурат.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида АХБОРОТ

7 декабрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи иш бошлади. Съезд мажлисини КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар съезд ишининг биринчи босқичида сайланган унинг раҳбар органилари ваколатларини тасдиқладилар ва раёбат таркибига қўшимчалар киритдилар.

Съезд иккинчи босқичининг кун тартибни тасдиқладилар:

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгилашиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун Ҳаракат дастури тўғрисида.

2. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави ҳақида. Кун тартибига киритилган тасдиқланган масалалар юзасидан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Музокараларда Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Қорақалпоғистон МСЖ

Қораўзак районидagi «Маданият» давлат хўжалигининг ижарачиси З. Пирназаров, Сиёсатшунослик ва бошқарув илм-гоҳининг ректори М. И. Искандаров ўртоқлар сўзга чиқдилар. Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат Дастури ва Устави лойиҳаларини тайёрлаш учун Марказий Қўмитанинг II пленумида тузилган ишчи комиссияларга Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг комиссиялари мақомида беришни ёқлаб овоз бердилар.

Музокаралар давом эттирилди. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводининг ишчиси А. Г. Шабанова, Қашқадар вилояти Ҳузор районидagi «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи С. Х. Муродова, Ўзбекистон ССЖ кесаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов, Хорезм вилояти Богот районидagi «Богот» давлат хўжалигининг бригадаси бошлиғи К. Оллоберганов, Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби

К. Холмирзаев, «Соодат» ойнамасининг бош муҳаррири Х. Худойбердиева, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Самарқанд трикотаж фабрикасининг бичкичиси Н. Е. Величкина, Тошкент қишлоқ хўжалиги илм-гоҳининг ректори Э. Т. Шайхов, Наманган вилояти Учқўрғон район партия қўмитасининг биринчи котиби К. Раимжонов, Бухоро вилояти Зарафшон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби О. Э. Вентланд, Сурхондарё вилояти «Термиз» станцияси локомотив депосининг машинисти В. Х. Солпиев, Бирдара район партия қўмитасининг биринчи котиби М. А. Ибодуллоев, Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирини Ш. О. Алпиев, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг кафедра mudiri Л. Каюмов, Бухоро вилояти Навбахор районидagi У. Юсупов номли мактаб директори А. С. Шодиев, Фарғона вилояти Ленинград районидagi Энгельс номли жамоа хўжалигининг бригадаси

бошлиғи А. С. Абдуллаев, Жizzзх вилояти Бахмал районидagi 1-ўрта мактаб муаллими Н. Мухторова, Андижон шаҳридаги 162-қурилиш трести 5-қурилиш бошқармасининг бригадаси бошлиғи Н. Хотамов, Тошкент учувчилар комплексининг бортинженери Р. А. Сафоев, Самарқанд районидagi «ССЖИ 50 йилгиги» давлат хўжалиги паркомининг котиби Д. Орзуев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Наманган шаҳрида содир бўлган воқеалар тўғрисида делегатларга ахборот берди.

Съездда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби ўртоқ Г. И. Янаев нутқ сўзлади.

Шу билан съезд иккинчи босқичининг биринчи кунини иши тугади. Тайёрларли комиссиялари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари юзасидан делегатлар айтган муноқаша ва таълифларини кўриб чиқиш, умумлаштиришга киришдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Котибнатининг аъзоси Г. Тургунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг mudiri Н. И. Семёнов қатнашмоқдалар. Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ

Хурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг биринчи босқичи тугагандан бери ярим йил ўтган бўлса ҳам бутун шунини тўла ишонч билан айтиш мумкинки, съезд берган баҳоларнинг, кўпчилик бўлиб ишлаб чиқилган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳаёт умиди тасдиқлаётди.

Съезд Ўзбекистоннинг партия ташкилотининг жиёслаштириш, унинг ишига яна ҳам жўшқинлик бағишлади. Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий аҳолини нормаллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Одамлар анча оёйишта, бир-бирига нисбатан сабр-тоқатли бўлиб қолдилар, келажакка ишонч тикланмоқда.

Демократия билан аносария ва ўзбошимчалик ва экстремизм, хилма-хил фикрлаш билан илтизомилик ва тартибсизлик бир-бирига тўғри келмаслигини жамоатчилик тобора кўпроқ англаб етмоқда.

Жамиятининг барча соғлом кучларини жиёслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат олиб боришда, жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетига эришиш борасида, съездининг қўрилган йўл-йўриқларини амалга ошириш, ташкилий-структураларнинг мустақиллигини, бошқарувининг барча поғоналарида илтизоми ва тартибни мустаҳкамлаш йўлида биринчи қадамлар қўйилди.

Президент ва ҳукумат, маҳаллий Кенгашлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисмини қўллаб-қувватлаб қилган чора-тадбирлар аҳолини барқарорлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Гап аввало ветеранлар ва ногиронларга, кўп болали оналарга, қўнғувчилар, студентларга берилган ёрдам тўғрисида борапти. Жумҳурият аҳолисида ер бериш, чорва моллар ва ем-хашак билан таъминлашда, етиштирган маҳсулотларини сотишда уларга ёрдам қўйиш бўлаганда амалга оширилган чора-тадбирлар ўз вақтида босқинчилик ва жуда муҳимлигини ҳаёт кўрсатди.

Мана шу ва бошқа чоралар туяфайли жумҳурият халқ-қўлақининг барқарор ишлашига замин тайёрлаб берилди. Қўпгина минтақалар ва умуман мамлакатда нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиши қўйилган.

Йилнинг ўтган даврида ҳосил қилинган миллий даромад 2,5 фоиз кўпайди. Саноят маҳсулотини етиштириш 2,2 фоиз ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча — 7,2 фоиз, уй-жой қурилиши эса 19 фоиз кўпайиши кўтилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги етиштирилган деярли барча экандан қандайдир яхши ҳосил етиштирилди. 5 миллион тоннадан зиёд — паллаидан 225 минг тонна кўп пахта ҳар қачонгидан кўра тез тайёрланди. Бу — жумҳуриятимиз барча меҳнатқўлларининг, биринчи навбатда эса деҳқонларимизнинг муҳим сиёсий ғалабаси бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб меҳнатқўл халқимизга, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқилганга, аввалдан-бор пахтакорларимизга фидокорона меҳнатлари учун яна, яна миннатдорчилик ва раҳматлар айтишга руҳсат бергайсизлар.

Қайта қуришнинг мана шу нишонларида бошлангич партия ташкилотлари, Ўзбекистондаги барча коммунистлар хизматининг ушатирувчи ва сафарбар қилувчи аҳамияти ошмоқда. Бу эса уларнинг обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолат беради.

Маърузачи—КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. КАРИМОВ

Хуллас, биз бугун шунини тўла асос билан айта оламизки, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорлари жамиятини жиёслаштириш ва ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, жамиятимизнинг ҳозирги етилган ва олдимизда турган вазифаларини ҳал қилишга амалий ҳисса қўшмоқда.

I.

Съездимизнинг биринчи босқичида КПСС XXVIII съездида сайланган делегатларимиз партияимизнинг фаолиятига доир энг муҳим масалалар бўйича ўзларининг тугган йўлларини белгилаб олдилар.

Уларга партиянинг бирлигини сақлаб қолиш, бўлинишга йўл қўймай, партия ва мамлакат тараққиётининг энг асосий муаммоларида бизнинг қарашларимизни қаттиқ турб ҳимоя қилиш тўғрисида нақаз берилган эди. Ўзбекистон коммунистлари делегацияси КПСС XXVIII съездидаги ўз иши тўғрисида бугун ҳисобот берди, у ўз олдида қўйилган асосий вазифаларини умуман удалади деб, силарга маълум қилишга барча асос бор, деб ўй-ланган.

162 делегат ва тақлиф қилинган 10 кишининг ҳаммаси съездининг мажлислар залида, ишчи органларида, комиссиялари ва секцияларида фаол иштирок этди. Қабул қилинган кўпгина умумпартиявий ҳужжатларда ўларнинг фаол позицияси ўз ифодасини топди.

Иттифокдош жумҳуриятлар Компартияларининг, шу жумладан Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигига эришиш тўғрисидаги олдимизга қўйган мақсад делегатларимизнинг фаолиятида жуда қатъий ўрин олди. Экологик фалокат ҳолатига тушиб қолган Орол ва Оролбўйига доир позицияларимизни КПСС съездида жуда қатъий куч-ғайрат сарфлаб, қаттиқ турб ҳимоя қилишмишга тўғри келди.

Пахта, янқоқимлигини тутатиш, бозор муносабатларига ўтиш чоғида бошлангич шарт-шароитларни тегишлаштириш, Иттифок шартномасини ишлаб чиқишни тезлаштириш, муаммоларни қатъий қилиб қўйилди. Марказ билан тегиш, адолатли иқтисодий муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги масалалар делегациямиз ағаллаган қатъий позиция ҳам ўз натижаларини берди, бу нарса қишлоқ хў-

жалик маҳсулотларининг ва аввало пахтанинг асосли ҳарид нархларида ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий марказий органларида Ўзбекистон Компартияси муносиб равишда вакиллик қилишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон вакилларидан 19 киши Марказий Комитет аъзоси ва 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб, жами 31 киши сайланди. Сиёсий бюро, Секретариат ва Марказий назорат комиссияси Президиуми таркибига биттадан вакилимиз сайланди.

Шунини эслатиб ўтаманки, аввалги съездда партиянинг Марказий органлари таркибига ҳаммаси бўлиб 13 киши сайланган эди, ҳисобот дариби охирига келиб эса, Ўзбекистон Компартиясидан атиги бир коммунист вакил бўлиб қолган эди.

Бу шундан далолат берадики, бизнинг тугган йўлимиз билан Иттифокда ҳисоблашадиган бўлиб қолишди, жумҳурият партия ташкилотининг мамлакатдаги обрўси ошди. Марказий Комитетнинг II пленумида КПСС XXVIII съездининг якунлари муҳокама қилинди. Ўзларинингта маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини пленуми XXVIII съездда эришилган натижалар билан бир қаторда, жумҳурият партия аниқлигида кўтариб чиқилган қўлгина принципиал масалаларга КПСС съезди аниқ-равшан ва ўз-кесил жавобларини топиб бера олмаганлигини ҳам таъкидлади.

Қандай масалаларда биз КПСС съездининг қарорларидан қониқмай қолганлигини эслатиб ўтаман:

- миллатларо муносабатлар асослари;
- Иттифок шартномаси масалалари;
- партия билан Советларнинг ўзаро ҳаракати;
- партиянинг турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўзаро муносабатлари;
- аёлларга доир сиёсат;
- аёлларга ва уларнинг жамиятдаги аҳолига муносабат.

- бозорга ўтиш муаммолари;
- маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, турмуш соҳаларини одамларнинг турмушини таъминлаш билан бог-лиқ ҳада соҳани ривожлантириш;
- партиянинг аграр сиёсатида Ғрта Осиё жумҳуриятла-

рининг ўзига хос жиҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олиш.

— Орол фалокати чуқурлашиб бораётганлигига, Қорақалпоғистон ва Оролбўйидаги бошқа минтақаларнинг аҳолига баҳо бериш ва шунингдек бошқа баъзи бир муҳим масалалар.

Марказий Комитет пленумида биз мана шу муаммолар тўғрисида гапирганимизда, шунчаки таъкид қилишни назарда тутмаган эдик. Қолаверса, КПСС съезидан барча минтақалар учун ҳаммага маълум бўлаган универсал ечимларини кўтиш ҳам мумкин эмас эди.

Биз съездининг биринчи босқичида шундай ҳулосага келдикки, пировард натижада партиянинг ўзи ўз халқи олдида жавобгар бўлади ва барча принципиал муаммолар бўйича ўзининг йўлини мустақил белгилаб олиш керак.

Худди шунинг учун Марказий Комитет II пленуми XXII съездининг яна битта мажлисини ўтказиш ҳуқуқи тўғрисидаги қарорига асосланиб, иккинчи босқич алоҳида бўлиши керак деган қатъий қарорга келди. Унинг муҳокамаига фақат иккита масала — Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави тўғрисидаги масалаларни киритишга қарор қилди ҳамда мана шу ҳужжатларнинг асосий мазмунини белгилаб берди.

Фаоллар, жамиятшунос олимлар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, Ўзбекистон Компартияси ага бўлган жамия маънавий потенциал тайёргарлиги комиссияларига киритилди. Шу ҳужжатларни тайёрлашда кўпчилик активизми фаол қатнашди.

Энди яна шу ҳужжатларнинг асосий жиҳатларига қис-қача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

II.

Энг аввало Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси тўғрисида. Нима учун бу ҳужжат янаш ҳуқуқда эга?

Амалда у нимани билдиради?


Аввало шунини билдиради, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Компартияси янги шунчаки КПССнинг территория ташкилот бўлиб қола олмайди. Шу нуқта назардан биз аввал бошдаёқ, ўзимизнинг Уставимизни тайёрлаш ва қабул қилишни Иттифокдош жумҳуриятлар Компартиялари мустақиллиги умумпартия концепциясини беэосита ривожлантириш, деб қарадик.

Бунинг устига ССЖИ Олий Кенгаши жамоат бирлаш-малари тўғрисидаги Қонуни қабул қилганлиги муносаба-ти билан янги вазият вужудга келди. Мана шу ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай сиёсий партиянинг Устави ма-жбурийлигини ишлаш ҳуқуқини тан олишининг зарур шар-ти ҳисобланади. Устав партия ички турмуши ва жамият-даги фаолиятининг асосий принциплари ва нормаларини белгилаб беради.

(Давоми иккинчи бетда.)

— Бу — бу кўна ва гўзал дийрмишда яшаётган халқимиз ва барча халқларнинг фаровон ҳаёти учун жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сўний мустақиллигига эришишдир. Бу оғир ва жуда мураккаб йўлда ҳаммангизга сўхат-саломатлик, омад тилайман.

Этиборингиз учун раҳмат, ёрдамлар!



• Ақиб
хонадонига

30 ДАН

ОРИҚ

КИТОБ

МУАЛЛИФИ



● Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Ёқубжон Шукров қатор романлари, қиссалари, ҳикоя ва эртаклари билан ўқувчиларга яхши таниш. Ижодкорнинг нашр этилган асарлари бутунгача 30 дан ошиб кетди.

Ўз ижодини урушдан кейинги оғир йилларда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бошлаган оддий қўпон ўғлининг биринчи очерк ва ҳикояларида меҳнат қаҳрамонлари, пахтакорлар ва дўстлик ҳақида ҳикоя қилинарди.

«Қасос» деб номланган роман-трилогия ёзувчи ижодида алоҳида ўрин эгаллайди ва айтиш мумкинлиги мазкур асар ижодкорни эл-юртга танитиб, унга катта шўҳрат келтирди. Роман ССЖи халқларининг бир неча тилларида ҳам таржима этилди. Шу кунларда унинг «Доно фикрлар оламида» ва «Соқов малика» тўпламлари нашрга тайёрланмоқда. Шунингдек жумҳуриятда ижодкорнинг 75 йиллигини нишонлаш учун ҳам тайёргарлик кўриляпти. Суратларда: (юқорида чапда) Ё. Шукров набиралари Сардор ва Фотималар билан; (ўнгда) ёзувчи асарлари: ижодкор онла даврасида (пастда).

Сураткаш Р. Нуриддинов.

ЎзТАГ.



• «Мушоира—90»

РИВОЯТ

Ривоят юради азалдан-азал:
Аёлин тойдирик булсангиз йўлдан
Эту туйгулардан ўқингангиз газал,
Бошдан сариоа сочингиз мул-мўлдан!
Ривоят юради: эркакка завод —
Амалга индириш — ўзи йиқилар.
Вағрийик ўртайд бу мушкул савдо,
Ўстихон бўғизига бориб тикилар.

Менда на унис,

на буниси бор;

Бойлигим, амалим...

Шу — юрак сўзи.

Нўлдан адашмоқни этмайман инкор,
Мабода йиқилсам гуноҳкор — ўзим!

САИЕР.

ДИЛДА БОРИМСАН

Сенга дардимни айтсам, эй дилоро, дилда боримсан,
Йўлингда интизорман, бил, нигоро, дилда боримсан.

Менинг ҳам тушди бошимга, нетайким севги савдоси,
Сехрлаб қўйдинг эй шўхи таманно, дилда боримсан.

Муҳаббат иллари дилларни пайванд айласа дерман,
Унинг ҳар толаси урмича маъно, дилда боримсан.

Эшиттил, роз этай мен, жон қулогинг бирла арзимни,
Муҳаббат маҳдийин, нодирн доно, дилда боримсан

Улуғлаб севгини умрим бўйи, унга сийгингайман,
Уни ардоқлагайман жисмимаро, дилда боримсан.

Садоқат онтини қалбда сақлар ҳар нафас Қодир,
Уни қилмаи рақибга ошқоро, дилда боримсан.

Қодир ҚАЮМОВ.

АЙЛАҒАЙ

Кўк аро бошимда шамсим,
тун домини қон айлағай.
Гарчи шамс ҳоқон эмасим,
гумбази ҳоқон айлағай.
Гумбази, ҳоқондир азал,
шамсдин атоси эртароқ,
Шул сабабдин васли шамсим,
оташин вулқон айлағай.
Тангридан бўлсин нажотли,
шамс ўтга ўтлғи қалов.
Йўқса зулмат бадаринки,

нурлиқин бадном айлағай,
Гумбаз ичра не эйким,
шамс бирла бир занжир эрур,
Халқалар этса бақолуғ,
шамс умри иккон айлағай.
Шамс киби сайёралардин
уммоният тоғай чароғ.
Нур таралғоқ гумбазистон,
шод дироом айлағай.
Сен ҳам эй, дебона Турсун,
умри бақолуғ ҳалқа бўл,
Халқалардин халқ яралғоқ,
чаркин шамстон айлағай.

Турсун МУҲАММАД.

ҲАМ БЎЙИДАН, ҲАМ ЭНИДАН...

ЕКИ ЯНА АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ
СТАНЦИЯЛАРИДАГИ ҚАЛЛОБЛИКЛАР ҲАҚИДА

Бозор кунлари ҳеч пой-
тахт отчопарига тушганими-
сиз? Бу саволга шахсий ав-
томашина эгаларининг акса-
рияти ҳа, деб жавоб бери-
шади. Сабоби, улар зарур
автомобил эҳтиёт қисмлари-
нинг деярли ҳаммасини ду-
кандан эмас, техника хизмат
кўрсатиш устaxonасидан
эмас, айнан мана шу ердан
топишлари мумкин. Албат-
та, ҳаммалари кўтарса ари-
маган «темир терсақ»ни ўн,
ҳатто йигирма барабар қим-
матига.

Айтилди, машинангиз-
ни устaxonага олиб кирди-
нгиз. Эҳтиёт қисмлар рўйхат
жадвалини тополмаганингиздан
кейин буюртма ёзувчи-
дан фалон нарса борми,
бошқаси-чи, деб сўрайсиз.
«Йўқ» деган жавобни олган
(таниш-билиш, ошна-оғайни-
си борлар бундан мустақон-
дир), ҳеч бўлмаса машинангиз-
ни қаратиб кетиш мақса-
дида уш-тўрт ишни бажариш
учун устaxonа буюртма (на-
руда) ёздириб, «касалини
тузатиш»ни бўласиз. Чини-
к кетган машинангиз бориб
кўнгалдагидек эмаслигини
ёки буюртмада кўрсатилган
ишларнинг ҳаммаси ҳам ба-

жарилмаганингиз сезасиз.
Агарда сизга йўқ дейилган
эҳтиёт қисмлар устaxonа
омборига бериктиб қўйил-
ганлигини ҳам ҳисобга ол-
сак, унда «устомон» уста-
ни В. Василлади чилангар-
нинг нима наромат кўрсат-
ганлигини текширмадан та-
риб, буюртмадаги барча иш-
лар тўла бакаринди деган
қорозга имзо чекди. Шундай
тажрибали устанинг мижоз-
ни 40 минут давомидида сув
билан мотори совутганлиги
оддий ҳол деб эътироф эт-
ганлигини эшитиб, ёқа уш-
лашимизга тўғри келди.

Устaxonа омборида ахбор-
от тахтасида кўрсатилмаган
BA3—2101 автомашинаси-
нинг айрим эҳтиёт қисмла-
ри мавжуд эди.

Бундай ахборот тахтасига
номлари ёзиб қўйилиши ке-
рак бўлган, бироқ хотирала-
ри панд берган усталарнинг
«унутаёзган» 404 сўм 80
тийинлик эҳтиёт қисмларини
Янгийўл шахрининг 3-уста-
хонаси омборида учратишга
тўғри келди. «Янгийўл» ёки
«Москвич» эгаларининг мо-
торлари «тақиллаган» бўл-
са, шу ерда омадлари чоп-
ган бўларди. Чунки халқа,

поршень, тирсакли ва тақ-
симловчи ўқларнинг камёб-
лиги мижозларга беш бар-
моқдек маълум бўлди.

Шу устaxonа хисобчиси
Е. Кабан мижознинг қўлига
бирданча эҳтиёт қисмларини
бера туриб, бажарилмаган
хизмат ҳақини олишда «бор-
йўғи» — 1 сўм 72 тийинга
«ўз ҳисобига» адашди. Изоҳ-
га ҳоҳлат бўлмаса керак.

Тушлик учун қанча вақт
сарфлаш мумкин, деб ўй-
лайсиз. Олмалик шаҳридаги
3-техника хизмати кўрсатиш
устaxonасининг (директор
вазифасини бажарувчи Е.
Бекназаров) эҳтиёт қисмлар
дўкони сотувчилари учун
текширув кўни 2 соат 20
минут «кифол» қилди. На
шикоят на тақлифлар даф-
тари, на санитария журнали
бўлмаган бу дўкон омборида
сотувга чиқарилмаган 499
сўм 40 тийинлик эҳтиёт
қисмларини учратди. Пеш-
тахтадагиларининг айримла-
рида эса нархи битилган
қорғозчаларга кўнимиз туш-
мади. Бу устaxonа омборида
ҳам мижозлар учун ахборот
тахтасида номи кўрсатилма-
ган эҳтиёт қисмлардан
эшиклар дейсизми, филдирак
гардишлари ёки, автоташна ва
аккумуляторлар, дейсизми,
хуллас, камёб моллар бор-
лиги маълум бўлди.

Янги Чиноз посёлкасининг
8, Охангарон шахрининг 15,
Олмаликнинг АвтоBA3 тех-
ника хизмати кўрсатиш уста-
хоналарида ҳам юқоридаги
каби камчиликларга, қонда-
бузарликларга дуч келди.

Тошкент вилояти маънавий
хизмат кўрсатиш тармоғида-
ги (бошлиғи Б. Аҳмедов) ах-

вол ҳам кўнгалдагидек эмас-
лиги мана шу текширув жа-
раёнида намойён бўлди.

Янгийўлдаги «Феруза» мо-
далар ательеси, Чиноздаги
«Олмазор» ва Паркентдаги
манший хизмат уйлари —
буюмларнинг нарх-навоиси
ёзиб қўйилмаганини, омбор-
ларда бор газламалар ми-
қозлар учун намуналар тах-
тасида кўрсатилмаганини
(ёки аксинча) наби бир қатор
камчиликлардан ҳоли
эмас.

Текширувдан кейин ай-
римлар ишдан олиниш ким-
лардир маъмурий, кимлар-
дир жиноий жавобгарликка
тортилар. Лекин масаланинг
моҳияти фақат шундан иборат
эмасдек туюлади. Чунки
номи тилга олинган жойлар-
да қайта текширув ўтказил-
ганда яна шундай камчи-
ликлар учрамастлигига ҳеч
ким қафолат бера олмайдми.

Мана, яқинда енгил авто-
машиналар эҳтиёт қисмла-
рининг нархи ошиши тўғри-
сида гап бўлди. Балки юқо-
ридаги каби қондабузарликлар
энди камавр. Ёки шунга қараб
лянда ортар. Нима бўлганда
ҳам аҳолига техник ва маъ-
навий хизмат кўрсатиш соҳа-
ларини тубдан яхшилаш чо-
раларини изламоқ керак.

Х. НАСИДИНОВ,
Вилоят давлат савдо
инспектори.
Р. ШОЖАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.



Шанба

8 ДЕКАБРЬ

✦ УЗТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
Мусликий кўрсатуви. 9.00 «Бар-
бод бўлган экспедиция». Ба-
дийий фильм. 1-серия. 10.10
Ўзбекистон композиторлари
ушмасынинг IV Пленуми.
10.50 Шахсий ёрдамчи ҳужа-
ликларга кенг йўл. 11.30 У.
Умарбеков. «Кийинги қара».
Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат
академик драма театрининг
спектакли. 13.05 Мураббий
ўғитлари. 13.35 «Дехқон ва за-
мин». 18.00 Кўрсатувлар тар-
тиби. 18.05 «Дилли ва Далли-
нинг саргузаштлари». Мульт-
фильм. 18.15 Усмирлар учун.
«Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек
тилини ўрганамиз». 19.30 «Ах-
борот» (рус тилида). 19.45 Ўз-
бек классик куйларидан кон-
церт. 20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Хафтаномаси». 21.30 «Вре-
мя». 22.00 Ўзбекистон Компар-
тияси XXII съезидида. 23.00
«Бором кун». Бадийий фильм.
(«Мосфильм»). 00.35 Эртанги
кўрсатувлар тартиби.

✦ УЗТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-
мусликий кўрсатуви. 9.55 А. Че-
ндзе «Аллоҳлар». Телевизион
спектакли. 2-қисм. 10.55 Шар-
қона яккама-якка кураш тур-
лари. Нинза. 11.25 Кинопро-
грамма. 18.05 Мультасо сир
эмас. 18.45 «Муми-долга куз
келди». Мультфильм. 19.00
«Новости». 19.20 Кинолаваҳа.
19.30 «Дар меҳмони панзоби».
20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўлчин»
концерт. 21.30 «Время». 22.00
Б. Кимёгаров фильмлари.
Рустам ҳақида достон.

✦ МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 «Онам,
дадам ва мени». 8 ойдан 9 ой-
гача бўлган гўдакларнинг ри-
воқланиши ва уларни тарбия-
лаш. 9.35 Умринг боқий бўл-
син. ЕрI Экологик программа.
10.35 «Партнер». Тижорат ха-
барлари. 11.05 «Пил» белгиси
билан. Илмий-оммабоп про-
грамма саҳифаларида. 12.05
«Бурда Моден» тақлиф этади.
12.35 Режиссёр И. Селёзнева
фильмлари. «Ана шунақа гап-
лар». 14.15 «XX аср: ташвиш-
ли давр хроникаси». Кинопро-
грамма. Бадий-публицистик
фильм премьераси. 1-серия.
15.25 «Плесидо Доминго билан
бир оқшом». Мусликий фильм.
(Англия «Спейн Пикчер теле-
компаниясининг махсусоти».)
16.20 «Болалай ва шула».
Мультфильм. 16.30 Баянчи-
аккордеончилар I халқаро
танловининг очилиши. 18.00
Халқаро панорама. 18.45 «Бе-
чора Гусар ҳақида бир оғиз
сўз айтиб қўйинг». Телевизион
бадийий фильм. 1-серия. 20.00
ССЖИ ҳукуматида. 20.10 «Бе-
чора Гусар ҳақида бир оғиз
сўз айтиб қўйинг». Телевизи-
он бадийий фильм. 2-серия.
21.30 «Время». 22.00 Телевизи-
он ҳужжатли фильм. 22.25 Рос-
сиянинг парламент хабарно-
маси. 22.40 «Панда». Илмий-
оммабоп фильм премьераси.
«Фиат» енгил автомобиллар
фирмасининг янги модели ҳа-
қида. 23.05 «Парнас сари бир
боқсиди». Халқаро телевизион
фестиваль. 3-тур. 01.20 ТЯХ.

✦ МТ II

8.30 Эрталабги бадентарбия
машқлари. 8.45 «Доворак Ро-
бин Гуд». Мультфильм. 9.00
Иттиқоддош жумҳуриятлар
кинопублицистикаси. «Янги ке-
лин-куёвлар учун реактор».
Ҳужжатли фильм премьераси.
9.20 «Оддий дақшот». Телеви-
зион бадийий фильм. I ва 2-се-
риалар. 11.20 Рус тили. 11.50
РСФСР шахарлари телестудия-
лари. «Кинга қон қарик» До-
норлик ҳақида. (Свердловск).
18.50 Эпизабетни кутиб. Теле-
визион бадийий фильм премье-
раси. 20.00 «Майдон». 21.00
Ф. Лист. Венгерча 6-рапсодия.
Халқаро конкурс совриндори
Б. Бакк иккунга (Фортепьяно).
21.15 «Венециядаги кар-
навал». Телефильм. 21.30 «Вре-
мя». (Сурдо таржимаси билан).
22.00 ССЖИ Олий Кенгаши-
нинг сессиясида. 22.30, 23.30
Композитор А. Морозов ик-
кунга кеаси. 23.45 Кинола.
Тўғи севаси. 01.15 «Коллаж,
свечи ва ...фантазия». Кинокон-
церт. 02.10 «Грузиятефильм»
нинг қисқа метражли телеви-
зион бадийий фильмлари: «Ур-
та девор», «Салом, қўшин».



ЭЪЛОНЛАР БҮРЧАГИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

10, 11 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«КАМОЛОТ—90»

Жумҳурият кўрик танлови ғолиб ва совриндорларининг

ҲИСОБОТ ТОМОШАЛАРИ

Томошаларда «ҚИЗИҚЧИ—90» танловининг соврин-

дори Соҳиб МАМАСОЛИЕВ иштирок этади.
Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб
сотиламоқда.

Мурожаат учун телефон — 45-93-63.

ЎзССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ
ЖУМҲУРИЯТ ИЛМИЙ-УСЛУБИЯТ МАРКАЗИ



ТОШКЕНТ

ДАВЛАТ

ЦИРКИДА

12 декабрь соат 19.30 да

КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ—89» Жумҳурият кўрик-беллашувини сов-
риндори, бадийий сўз устаси

Ботир МУҲАММАДХУҲАЕВ

Хонандалар: Мария ТАНГРИБЕРДИЕВА, Маҳаматжон
АБДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ОВОЗЛАР:

Шарқ қўшиқлари ижрочиси

Юлдуз ТАНГРИБЕРДИЕВА

Жумҳурият лапарчилар кўрин-беллашувининг соврин-
дори

Ёқутхон РАҲМАТУЛЛАЕВА

«ХОРАЗМ ГҮЛДАСТАСИ» ансамбли.

Ансамблининг бадийий раҳбари — Мария ТАНГРИБЕРДИЕВА.

Мусиқа раҳбари — Гулнам ҚОЛМУРОДОВ.

Томошага марҳамат, кулги ва қўшиқ шайдолари!
Патталар ҳар кун соат 10.00 дан кеч соат 19.00 гача
Цирк кассаларида сотилмоқда. Телефонлар: 44-29-04,
44-35-91.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ
МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ
БОҒИНИНГ ҚИШКИ БИНОСИДА

1990 йил 28 декабрдан — 1991 йил 10 январгача
«ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ»

Театрлашган арча байрами

Байрамда болалар Қорбобо, Қорқиз, Фарихта,
Шайтонвачча, Ялмоғиз кампир каби афсонавий
қаҳрамонлар билан учрашадилар. Байрам либос-
лари, энг яхши шеър, қўшиқ ва рақс танловларида
иштирок этадилар.

Танлов ғолибларини Қорбобо ва Қорқиз муко-
фотлари кутмоқда.

ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!!
Олдиндан патталар сотиш ташкил этилган ва нақд
пулсиз ҳисоб бўйича жамоа бўлиб тушишга буюртмалар
қабул қилинмоқда.

Паттанинг баҳоси, совғаси билан бирга 3 сўм.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-35-60,
45-37-54.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

12 декабрь соат 16.00 ва 19.30 да

ФАҚАТ БИР КҮН

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКО-
ФОТИ ЛАУРЕАТИ, ҚЎШИҚЧИ ШОИР

МУҲАММАД ЮСУФ БИЛАН

Ижодий учрашув ўтказилади
Кечада шоир қўшиқларининг ижрочилари иш-
тирок этадилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

13 декабрь соат 16.00 ва 19.00 да

ФАҚАТ БИР КҮН

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти соҳиб-
лари бўлган санъаткорларнинг

ҲИСОБОТ ТОМОШАЛАРИ

Охун МАДАЛИЕВ, Обид АСОМОВ ва бошқа-
лар.

Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб
сотиламоқда.
Телефон: 45-93-63.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ

БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ:
700083, ТОШКЕНТ,
ЛЕНИНГРАД
КҮЧАСИ, 32.



МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; маъсул котиб — 334808, 325353;
саноат, қурилиш ва транспорт — 325750; БҲЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647;
маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; иттиқомий масалалар — 325556;
оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

